

Тизим тадбирлари

БАХТ КАЛИТИ

Туманимиз аҳолисининг 40 фоизини ёшлар ташкил қилади. Юртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш масаласига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар Кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Дилфуза ЗАЙНИДИНОВА, Тўрақўрғон туман ФХДё бўлими мудири

МУҲИМ ЖИХАТЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Ассоциацияси ва Россия Федерациясининг Москва вилояти Адвокатлар палатаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида шу йилнинг 31 октябр ва 1 ноябрь кунлари «Хозирги замон адвокатураси: муаммо ва келгуси тараққиёт» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ушбу нуфузли анжуманда Австрия, Латвия, Литва, Озарбайжон, Россия Федерацияси ва мамлакатимиз вакиллари иштирок этишди. Маълумки, мустақиллик йилларида ҳар бир давлат адвокатура соҳасида муайян тажрибага эга бўлди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Ассоциацияси раиси Б.Саломов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Н.Канъозов, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ўринбосари А.Шарофутдинов, Россия Федерациясидан С.И.Крупко ва бошқа хорижий мамлакатларда келган вакиллар соҳада дуч келинаётган масалалар ва келгуси тараққиётни таъминлашнинг муҳим жиҳатлари хусусида фикр билдиришди.

Алишер НОРКУЛОВ, ҳуқуқшунос

МАСАЛА ЕЧИМ ТОПАДИ

Яқинда Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида шаҳар ФХДё органлари фаолиятларини амалга оширишда дуч келинаётган муаммолар ва уларнинг ечимини қонуний ҳал этиш масалаларига доир семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ва Ички ишлар вазирликлари, Тошкент шаҳар ИИБ ХҲК ва ФЙ бошқармасидан масъул раҳбар ходимлар қатнашди.

Аброр БЕРДИЕВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

ОЛТИН ПОЙДЕВОР

Хоразм вилоят Адлия бошқармаси ташаббусига асосан таълим-тарбия, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, ҳуқуқ тартибот ва қонун назорати идоралари вакиллари иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, болалар таълим-тарбияси, уларнинг қамолоти ва қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга қарата вилоятда етарлича тажриба тўғилди.

Хивадаги 20 сонли «Мурувват уйи» тарбияланувчилари учун яратилган шарт-шароитлар ҳатто оила ва хонадонлардагидан ҳам зиёда. Урганч туманида истикомат қилаётган Дурдиевлар оиласида турли сабабларга кўра қаровчисиз ва ота-онасиз қолган 10 нафардан зиёд бола фарзандликка олиниб, меҳр ва ардоқ оғушида тарбияланмоқда.

Анжуманда шу ва шу каби ибратли тажрибаларни кенг ёйиш зарурлиги қайд этилди.

Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

ТАДБИРКОРЛИК ЭЪТИБОРДА

Сирдарё вилоят адлия бошқармасида Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатиغا олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли Қарори юзасидан вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳамда туманлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари масъул ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зиркилло Абдувоҳидов семинарни «Қарорнинг жойлардаги ижроси ва юзага келаётган муаммолар» мавзусидаги маърузаси билан очди. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Кўмитаси масъул ходими Ғ.Холжигитов ҳам юқорида номли зикр этилган қарорнинг афзаалликлари ва уни ҳаётга янада кенгроқ тadbик этиш лозимлиги, умуман, унга нисбатан хорижий давлатларнинг ижобий муносабати яққол сезилаётганлиги ҳақида маълумот берди.

Абдуғаффор ОМОНБЕКОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Сайлов ва сайловчи

Сайлов қонунчилиги атамалари тўғрисида нималар биламиз?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Президент сайлови

натижаларини белгилаш

Сайлов вақтида ёки овозларни санаб чиқиш чоғида сайлов яқунларига таъсир қиладиган қоидабузарликлар аниқланса, умуман айрим округлар ёки айрим сайлов участкалари бўйича сайлов ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб Марказий сайлов комиссияси қарор қабул қилиши мумкин. Бундай қарор устидан овоз бериш яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Республика Олий судига шикоят қилиш мумкин. Бундай қарор устидан Президентликка номзодлар шикоят қилиши мумкин. Айрим округ ёки участкаларда сайлов ҳақиқий эмас деб топилганда, уларнинг натижаси умумий сайлов натижаларига таъсир қилмас, улар

сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади. Сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборот, сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай эълон қилинади.

Такрорий овоз бериш

Такрорий овоз бериш сайловда икки нафардан ортиқ номзод иштирок этиб, улардан биронтаси ҳам тегишли овозни ололмаса, Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Такрорий овоз беришга умумий сайловда иккита энг кўп овоз олган номзод қўйилади. Такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтган кундан камиди ўн беш кун кейин тайинлайди. Бу ҳақда матбуотда эълон қилинади. Такрорий овоз беришда унда иштирок этган сай-

ловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг қанча иштирок этиши, яъни фоизи ҳисобга олинмайди.

Такрорий сайлов

Уч ҳолда ўтказилади. Яъни: сайлов ўтмаган деб топилса, сайлов ҳақиқий эмас деб топилса, сайловда битта номзод иштирок этиб, у зарур микдордаги овозни тўплай олмаса. Такрорий сайлов қонунда белгиланган барча тартиблар ва шартлар асосида ўтказилади. Бунда янгитдан округ ва участка сайлов комиссиялари тузилиши мумкин. Овоз бериш умумий сайловда тузилган участкаларда ва сайловчилар рўйхати асосида ўтказилади. Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилгани-

дан кейин қирқ кун ичида ўтказилади. Такрорий сайлов ўтказиш кунини Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш

Овоз беришда тегишли овозларни олиб сайланган шахс, Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаларини расмий тарзда, яъни, матбуотда эълон қилган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида қасамд қилган пайтдан бошлаб Президентлик лавозимига киришади.

Озод ХУСАНОВ, юридик фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги олдидан

МАЪНАВИЙ ҲАЗИНА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат дунёқарашимизни бойтади, балки серқирра турмушимиз меъёр ва тамойилларини ҳам белгилаб беради.


Маълумки, мамлакатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»ни ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинган эди. Мазкур Фармойиш мамлакатимизда аҳолининг ялпи ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўли билан ҳуқуқий давлатчилик тамойилларини мустаҳкамлаш, қонунлар устуворлигини таъминлаш, демократияни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим амалий қадам бўлди.

Конституциямиз кодекс ва қонунларнинг бир-бирига уйғунлиги, узвийлиги, узаро боғлиқлигини қаролатувчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига тўхталар эканмиз, уни асосан тўрт жиҳат: сиёсий, юридик, маънавий-ахлоқий, мафсуравий нуқтаи назар билан таърифлаш зарур. Конституциямизда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси, тараққиётнинг бош мезонлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсий йўналишлари белгилаб берилганки, бу мамлакатимизнинг омма ўртасида

ва халқаро майдонда обрў-эътибори нечоғлик юксак эканидан далолат беради. Шунингдек, давлатнинг асосий вазифаларини ифодолувчи Конституциямиз жаҳон саҳнида янги суверен давлат — мустақил Ўзбекистон мамлакати пайдо бўлганлигининг қонуний қафолати ҳамдир.

Конституциямизнинг ёрқин жиҳати унинг улкан маънавий-ахлоқий салоҳиятига молиқлигидир. Конституциямизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаётий эркинлиги, шаъни, қадрият ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб қайд этилган. Давлатнинг устувор вазифаларидан бири мазкур олий қадриятни ҳимоялаш ва улуғлашдан иборатлигини аниқлаш, ўз навбатида жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини тасаввур этиш учун қиёфа. Конституцияда фуқароларнинг умумэтироф этган юксак инсон ва маънавий-ахлоқий сифатлари кўзда тутилгани унинг халқчиллиги ҳамда кенг демократия тамойилларига асосланишини кўрсатади.

Хуллас, Конституцияда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатлари тўла ва ҳар томонлама акс этирилган. Инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги, қонунлар устуворлигини таъминлаш, умуминсоний демократия намуналари, адолат, эркинлик ва мустақиллик уфқлари, халқ ҳокимиятичилиги шакллари, сиёсий ўрқирқиллик, кўппартиявийлик, бозор иқтисодиёти



ва хусусий мулкчилик масалалари ва бошқа қатор мафсуравий тушунчалар Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, Конституция қишлоқ ижтимоий онгини юксалтиришнинг энг муҳим шартини ва гаровига айланади.

Конституциямизда белгиланган мазкур меъёр ва йўналишларни чуқур ўрганиш туриб, пировард мақсадга эришиш амри маҳол. Уни тарғиб ва ташвиқ этиш, ўқиш ва ўрганиш ишларида ҳуқуқшунос муаллимлар, қолаверса, барча ҳуқуқшунос кадрлар фаол бўлишлари лозим. Биз нотариал харақатларни амалга оширишда конституциявий тамойилларга суянадиган ҳолларга ҳар қадамда дуч келамиз. Шундан келиб чиқиб, Конституциямиз шунингдек, жорий қонунлар, бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни омма онига етказиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, такомиллаштириш, ва кенгайтириш муҳим ишлардан биридир, дейиш мумкин.

Гулнора ТИЛЛАЕВА, Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

ФХДё фаолияти



Яқинда Жиззах вилоятининг Арнасой туманида ёшларни оиладек мустақкам ришта билан боғлайдиган замонавий ва кўркам бано — ФХДё бўлими туғди. Бугунги кунда арнасойлик оила ёшлар ани шу даргоҳда янги ҳаётга қадам қўймоқдалар.

— Мамлакатнинг ривожини, мустақкамлигини беосита оила билан боғлиқ экан, янги никоҳни қайд этиш масканини мустақкамлашқа, унинг ривожига хизмат қилишига шай, — дейди биз билан суҳбатда ФХДё бўлими мудири Муслима Усмонова

Оила — жамиятнинг муҳим бўлини. Бу бўғин қанчалик мустақкам бўлса, мамлакат ҳам озодлик пойдевори ҳам шунчалар мустақкам бўлади.



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

Ҳаёт ҳодисоту тасодифларга, турфа воқеаларга бой. Аммо аянчли тақдир ҳеч қачон осмондан тушмайди. Унга одамнинг ўзи пойдевор қўяди, сабабчи бўлади. Баъзи одамлар қилганини қилиб қўйиб, сўнг пушаймон бўлишади, қисматни лаънатлай бошлашади.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди ҳукми билан «Бухоро 1-қурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 6-сон қурилиш-монтаж фирмаси раҳбари Олим Ҳабибов ва фирма бош муҳандиси Раҳмат Каримовларга нисбатан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланди. Ҳўш, улар қандай қилмишлари учун бундай жазо олишди?

Олим Ҳабибов фирмада 1996 йилдан, Раҳмат Каримов 1993 йилдан фаолият кўрсатиб келишган. Қурилиш соҳасида улар анча тажриба тўплаб, кўзлари «пишиб» қолган. Жамоада дуппа-дуруст обрў-эътиборга эга раҳбарларга кўз тегдими ёки нафсларини тийиб, тизгинлашга қудратлари етмадими, бирдан тойиб кетишди.

Қурилиш-монтаж фирмаси балансида 1968 йилда ишлаб чиқариш, давлат рақами 20 АА 973 бўлган «Совием» рўсумли автобус бор эди. Бу транспорт воситаси 1997 йилда Бухоро шаҳар ҳокимлиги томонидан корхонага ҳокимликнинг корхонага нисбатан қарзи

— Автобусни сотмоқчи экансиз. Нарх-навосини билиш учун келдик. Така бўлсин, сўти бўлсин. Чўтимизга тўғри келса, сўти олиб, таъмирлаб, сотмоқчимиз, — деди Олим Ҳабибов ҳузурига келган Замир Галиев. —

кўчиринг, машина сизники. Қолган 500.000 сўмни менга нақд тўлайсин, — дея саволомуз тикилди Олим харидорга. — Таъмирдан чиқса, хизмат қиладиган машина. Марҳамат, автобусни бориб кўринг. Нуқ-

ҳисобига берилган. Шу йилнинг биринчи январь ҳолатида автобуснинг баланс қиймати 2.353.200 сўмни ташкил қилган. Сўнгги 4-5 йил ичида «Совием» худди кўرғазмадагидек умуман ўрнидан жилмаган.

Фирма раҳбарлари ўтган йилнинг бошларида автобусни 3.000.000 сўм бошлангич нарх билан Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида жойлашган биржада аукцион савдосига қўйишди. Орадан бир ой ўтган, автобус сотилмаганлиги сабабли биржа томонидан корхонага хат берилди. 2007 йил 3 январда «Альбина-Дизайн» хусусий фирмаси раҳбари Замир Галиев ва унинг ўринбосари Жамшид Дўстматов автобусни харид қилиш учун келганларида «Совием»нинг бахти «очиладиган» бўлиб қолди.

бери. «Альбина-Дизайн» раҳбарлари бошларини қашиб, ўйга ботиб қолишди. «Таваккалнинг тергов ва суд тергов чоғида Замир кўр», нақлига амал қилиб, сотиб олишса нима бўлади? Э, бор-е, деб кўл силтаб кетишса-чи?

— Автобус двигателининг ўзи қаерда? Юрак-юрак-да, Олим ака, — ним та-бассум билан сўз қотди Замир. — Тракторнинг мотори ҳар қанча кўчмасин, ба-рибир бегонада.

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Ҳазинки бўлса, ўзи-

ники-да, ука. 500.000 га яна 500.000 сўм қўшинг, «ест» қиламиз. Мотор омборхонада турибди. — Олим ака кўли очик одам. Пулдан қочманг. Барака топасиз. Айтган пулингизга ҳам сотасиз, — суҳбатга аралашди

— Озгина тушинглар. Таъмирига кўп харажат қилиш керак, — сотувчи-ларга юзланди Замир. — Қўймадингиз, қўймадингиз, ука. Келинг, йигитча бир гап атайай. 150.000 сўм ўтдик. Розимисиз?

Замир ҳам Жамшид ҳам бошларини қуйи солиб, «майли» деган ишорани қилишди. 8 январь кунини учрашишга келишиб, хайр-хўшлашишди.

Улар кетишгач, фирма раҳбари ва бош муҳандиснинг ҳаёлидан 850.000 сўмни арра қилиш фикри ўтган бўлиши ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас.

«Альбина-Дизайн» хусусий фирмаси раҳбари ўринбосари билан ваъ-

МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР

ёхуд жиноий шерикларнинг фош этилганлиги хусусида

Тарозига қараб тош қўйган яхши. Кўнглингиздагини айтинг. Сих ҳам, қабоб ҳам қуймасин. — Гапнинг пўсткаллари, биржада 3.000.000 сўмдан қайтди. 500.000 сўм ўтаман. Ҳисоб рақамимизга 2.000.000 сўм




Пулларга махсус қимбатий кукун билан ишлов берилди. Айримларига махсус қимбатий қалам билан «пора» ёзувлари битилди, — деди дастлабки тергов ва суд тергов чоғида Замир Галиев. — Чамаси сот 11 ларда Жамшид билан қурилиш-монтаж фирмасига келдик. Корхона бош муҳандиси Олим Ҳабибов топширигига асосан хизмат соҳасида бизлардан целофан пакетга солинган 850.000 сўм пулни санаб олди. Уни хонасидаги темир сандиққа қўйди.

Демократик жамият ўз муҳтидаги низоларни ҳақамлик судида қўриб чиқиш ва яраштириш амалларидан фойдаланиб ҳал қилинади...

Тарози

Ҳақамлик суди

Ҳақамлик суди иқтисодий низоларни ҳал қилади ва давлат тизимига кирмайдиган махсус органдир...



Ҳақамлик суди судьяларини томонларнинг ўзлари ўзаро келишувга асосан танлайдилар...

Амалда кўпинча тарафларга ҳақамлик судининг қарори эмас, балки малакали маслаҳати зарур бўлади...

Ҳақамлик судлари қандайдир бир тизимни ташкил этмайди ва бир-бирларига бўйсунмайди...

Тарафлар низоли ҳал этиш учун ўзлари судья (судьялар)ни, яъни «учинчи» шахсни танлайдилар...

Ўзбекистон Республикаси конституциясида ҳақамлик суди фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим шакли сифатида эътироф этилади...

Ҳақамлик судини ташкил этиш учун давлат органининг руҳсати ёки бирор бир қарори талаб қилинмайди...

Бир сўз билан айтганда, ҳақамлик судлари бўлган талаб ва эҳтиёж кундан-кунга кўпайиб бораётган бўлиши шубҳасиз...

Ирода МАҲМУДОВА, ТДЮИ 1-курс магистранти

Денов — газетхон туман! Нуфузли наشرлар қатори «Инсон ва қонун»нинг ҳам туманда ўқувчилари кўп...

(Эсседан парча)

замонавий иморат курмоқчи бўлди. Аммо, ихтиёримиздаги маблағ янги иморатга етмай...

Чизги

Ҳаммага аён — мулкчилик шакли ўзгариб, олди-берди муносабатлари янги ўзгара тушгач...



Деновдаги кўркам «Бахт уйи»

тўй бор экан — гап бориб гапга етар кишлоқ ахлини бир хонага тўплади. Шундай-шундай гап, шавлираб турган бу иморатни капитал таъмир қилган билан...

иморат қурилади. Бу мактаб бинаси беш юз йилга чидамаса ҳам юз йилга бемалол бардош беради...

Бир ҳисобда кундалик юмушларнинг гирдобидан озод бўлиб, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга ошириш ҳам «мана-ман» деган раҳбарларнинг фаолияти...

шундандир; жуда олисда бўлса ҳам, юзимишга тафти урмасан ҳам осмондаги юлдуз дилла-юлдузларни равшан қилади...

Хурсанд Омоновичнинг адолат мезонларини маҳкам ушлаш мени хайрон қолдиради ва суонтиради. Чунки худди ёлғон сингари адолатсизликнинг ҳам катта-кичиги бўлмайди...

Тагин сиз Хурсанд Омоновичнинг демократик тамойилларининг ҳаммасига кеча-кундуз битта қўймай амал қиладигани, қонунлар ва қарорлар билан белгилаб қўйилган чизмадан бир миллиметр ҳам огишмайдигани ва ҳатто факултатга вазиятлар билан ҳам ҳисоблашмайдигани бир раҳбар, деб ўйланган...

Ушанда Хурсанд Омонович халиги аёлга ҳокимликнинг ҳар бир фуқаросининг барча улчулар бўйича дахлсизлиги учун кафолат эканлиги ҳақида амалдаги қонунларга тавбиб сузла-са ҳам бўлар, аммо бу уринишнинг бефойдалигини, сел эса ҳеч қандай на иқтисодий, на ижтимоий қонунлар билан ҳисоблашиб ўтирмаслигини билганлиги учун энг тўғри йўлни танилади ва сўнг қандай бўлар экан? — деди ичида.

Омади тоққа қараб чоған бирор одамни кўрсак, «устози ким экан?» дейимиз. Махтумқули эса «Устозингдан айрилма!» дейди...

Тагин сиз таъкидланган тафсилотдан бу, Хурсанд Омонович ҳеч қандай қонунларни писанд қилмайдиган бир раҳбар экан деб ўйланган; у иқтисодий ва ижтимоий қонунлар тавбиб қонунларига итот қилиши, бўйсунуши лозимлигини баъзиларга қараганда яхшироқ аниқлайди, холос.

Хурсанд Омоновичнинг фаолиятини бир қанча мuddат қўриб, кўриб, бир нарсани билдим — Денов қанчалик катта худуд бўлмасин, барча ҳаракат ва муаммоларни кафтадигандай кўриб, билиб туради, ҳатто ҳужайраларнинг ички муаммоларидан ҳам яхши хабардор...

2004 йил 5 январь кунги ислохотлар ижроси туфайли туман ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб қолган, Хурсанд Омонович шу масала билан аввал қизиқиб турган, сўнг ўзи ишга киришиб кетди — агар ҳозир бу йўлдаги ханго-ма-ю, «ханг» номаларни бир бошидан баён қиладиган бўлсак, яна бир дoston ёзишга тўғри келади: туман йўл ҳужайли раҳбари Урал Худойбердиевни кўз оғирмади, бир ярим миллиард ўм сарфлаб ажойиб кўприк қуриди...

Менимча, бошқа туманларнинг ҳокимлари Денов тумани ҳокими Абдусамат Ҳўжақуловга роса ҳавас қилсалар керак, чунки бунинг учун барча асослар — Хурсанд Омоновичдай ишлаётган ўринбосарлар ҳам бор. Ишонмасангиз, Деновга бир келинг — ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз ва Деновнинг ободлигига яна бир қарра иқдор бўласиз.

Тождин РАЗЗОК, «Инсон ва қонун» муҳбири

даланган кун 6-сон қурилиш-монтаж фирмасига келди. Фирма раҳбарлари уларга автобусни 2.000.000 сўмга расмийлаштириб бериш эвазига 850.000 сўм пора сўрашди...

— 10 январь кун мен ўзим билан 8 пачка 1000 сўмлик купюралар ва 1 пачка 500 сўмлик купюраларни пулларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига олиб келдим. Пулларга махсус кимёвий кукун билан ишлов берилди...

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, таъмагирлик йўли билан пора олган шахс қўлга олинди. Жиноий тил бириктириб, нафс ўпқонига банди бўлганларнинг кирдикорлари гувоҳларнинг кўрсатмалари ва жиноят ишида тўпланган далиллар билан фoш этилди.

Қурилиш-монтаж фирмасида ўтказилган текшириш чоғида шу йил 1 январь ҳолатида Олим Ҳабибов айби билан 88.419.400 сўмлик дебитор қарзларининг 90 кунлик тўлов муддати ўтказиб юборилганлиги аниқланди...

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида 2000 йилдан бошлаб Марказий Осие минтақасида биринчи бўлиб «Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси» лабораторияси очилди ва одам ДНКсининг суд-биологик экспертиза тадқиқотлари ўтказила бошланди.

Одам ДНКси суд биологик экспертизаси предмети — бу замонавий молекуляр генетик услубларни қўллаб, одамнинг биологик объектларини тадқиқ қилиш йўли билан иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни аниқлашдир...

молекуларларини ажратиб ва тозалаш услуби, ажратиб олинган ДНКни микродий ва сифат таҳлили услуби, ДНК структурасини аниқлаш ва унинг махсус участкаларини синтез қилиш ва қўпайтириш услублари, ДНК генотипини аниқлаш, программали солиштириш...

Марказий Осиеда таҳлил қилиш услублари каби замонавий молекуляр генетик услублардан фойдаланилади.

Талқин ГЕНЕТИК ЭКСПЕРТИЗА ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

ягона ушбу лаборатория номаълум тана қолдиқларини идентификация қилиш, қон, сперма, сўлак, соч, тўқималар, органлар, тана бўлақлари ва бошқаларни маълум бир шахсга ёки бир неча шахсга тегишлилигини аниқлаш, боланинг биологик ота-онасини аниқлаш, ота ёки она линияси бўйича яқин ёки узоқ қариндошликни аниқлаш, биологик эгизаклар...

Лаборатория мураккаб тадқиқотлари олиб бориш, кимёвий эритмаларни тайёрлаш, стерилизация қилиш ва сақлаш учун зарур бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 2000 йилда Одам ДНКсининг 10 та махсус участкалари бўйича текшириш имкониятини беришчи тўплами ишлатила бошланди, 2002 йилдан бошлаб 11 локусни таҳлил қилиш...

генетик тўпламлар ишлатила бошланди. 2005 йилдан бошлаб эса 16 та локусни таҳлил қилувчи тўплам ёрдамида эксперт тадқиқотлари ўтказила бошланди. Юқорида қайд этилган генетик тўпламлар ҳозирги кунда ривожланган кўпгина мамлакатларнинг суд генетик лабораторияларида кенг қўламда ишлатилиб келинмоқда. Лаборатория ходимлари илмий малакаларини ошириш мақсадида экспертлик фаолияти билан биргаликда молекуляр генетика соҳасида илмий излашлар олиб борадилар. Республика мизининг Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятлари, МДХ мамлакатлари, Россия ва Украина, Шунингдек, Франция, Туркия, Хорватия, Финляндияда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда қатнашиб, 50 дан ортиқ илмий мақола-лар эълон қилишган. Бир сўз билан айтганда, жаҳон ҳамжамияти томонидан ушбу Марказнинг одам ДНКси экспертизаси соҳасидаги илгор тажрибаси алоҳида эътироф этилди ва юқори баҳоланди. Аброр ИКРОМОВ, Биология фанлари доктори

Халқаро кўргазма КИТОБ – МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

Билим манбаи бўлган китоб кишилик жамияти тарққиётининг нафақат муҳим асоси, балки халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи маънавий восита ҳамдир. Яқинда қардош Туркманистон Республикасида бўлиб ўтган Халқаро II китоб кўргазмаси ва унинг доирасидаги илмий-амалий анжуманда қатнашиб, бунга янада амин бўлдик.



Барча павильонлар билан танишдилар. «Ўзбекистон» павильонида тарихий шахарларимизнинг юбилей саналарига бағишланган чикарилган альбомлари катта қизиқиш билан варақлашди. Айниқса, павильонимиздан жой олган туркман тилидаги дарслик китобларнинг мазмунан мукамаллиги, полиграфик жи-

лмунот берилаётганлигини алоҳида эътироф этишди. Сафар давомида Тошувз вилоят босмахонасида ҳам бўлдик. Мазкур босмахона Германиянинг энг янги полиграфик усуналари билан тўлик жиҳозланганлиги диққатимизни тортиди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган мутахассислар Германия, Япония, Хитой, Туркия давлатларида малакаларини ошириб кайтганлигини таъкидлашди. Бунинг уларнинг иш ютуқларидан ҳам билиш мумкин эди.

Ҳатдан юқори сифатга эгаллиги туркман дўстларимизни мамун этди. Умуман, биз намойиш қилган дарслик-қўлланмалар, кодекс ва мейёр-хуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, плакат ва альбомлар ҳақида барча давлатлардан келган делегация аъзолари мактовли фикрлар билдиришди. Хусусан, туркманистонлик ҳамкабарларимиз бу наشرларнинг икки-уч тилилиги, улларда ўзбек, рус ва инглиз тилларида маъ-



Суратда: Кўргазмадан лавҳалар

жойлашган «Экспо-марказ»нинг муҳташам биносида дунё маънавий ҳазинасининг бебаҳо дурдоналари жам бўлди. Кўргазмага дунёнинг 37 мамлакатидан делегациялар келишди. Биз ҳам шу ерда «Ўзбекистон» павильонини жиҳозлаб, юртимиз наشريётларида чоп этилган кўп қисм китобларни йиғилганларга намойиш қилдик.

Туркманистонлик мутаассадди вакиллар нуфузли кўргазмага ташриф буюриб,

Мажмууд САТТОРОВ, «Адолат» нашриёти директори

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Мажлис ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 26 октябрдаги М-42, 97-сонли қарори.
- 2007 йил 29 октябрда 1699-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 ноябрдан кучга киради).
2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида (ЎЗР АҚ-160)»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқирғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сонли буйруғи.
- 2007 йил 29 октябрда 1734-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 ноябрдан кучга киради).
3. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 22 октябрдаги 96, 2007-60-сонли қарори.
- 2007 йил 30 октябрда 1238-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 ноябрдан кучга киради).
4. «Биржа савдоларида мис махсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 24 сентябрдаги 34, 86-сонли қарори.
- 2007 йил 30 октябрда 1735-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Қомоқда савдоларида тозаланган мис, металл, рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низоми. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Олмалик КМК» ОАЖ, «Узиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва «ЎЗРТХАБ» ОАЖ томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1367, 04.06.2004 й.).
- Адлия вазирлигининг 2007 йил 30 октябрдаги 210-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

ЭЪЛОН!

Фарғона вилоят адлия бошқармаси Қува ва Сўх туман давлат нотариал идоралари нотариуслиги ҳамда Ёзёвон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Бағалланган шаклда тўлдирилган шахсий варақча;
4. Мажбурий таълимнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8373) 224-46-33

ЭЪЛОН!

Анджон вилоят адлия бошқармаси қосидаги Нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 25 октябр куниндаги қарорига асосан нотариус Хусанов Маъруфжон Қўчқоровичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 31 январь 2008 йилда берилган АН 000094 — сонли нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни амал қилиши 1 (бир) ой муддатта тўхтатилганини маълум қилади.

ЭЪЛОН!

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳазуридаги Адвокатура бўйича малака комиссиясининг 1999 йил 15 декабрдаги қарорига асосан Абдуллаев Алишер Амировичга берилган СУ 000103 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи лицензиянинг амал қилиш муддати 1 (бир) ой муддатта тўхтатилганини маълум қилади.

Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан борди. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга муҳим эътибор қаратилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислохотлар ўтказилиши устувор масала эканлиги таъкидланди. Бунинг натижасида ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бу борадаги ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ислохот

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАН БОШЛАНИ

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари, 2007 йил 29 июнда Сенат томонидан маъқулланган «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги шундан далолат беради.

Айниқса, Республика Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят қонунчилигида ўлим жазосини бекор қилиниши жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида муҳим қадам бўлди.

Президентимиз томонидан 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида яна бир муҳим босқич бўлгани шубҳасиз.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш замирида, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеklangасида уларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини қаролатлаш ётади. Қабул қилинган қонунга асосан, ҳеч қим суд қарорига асосланган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшим-

БИР ҲОВУЧ ДУР СУҚРОТ

(Милоддан аввалги 469-399 йиллар)



Машҳур юнон файласуфи Суқрот Аттика шахрида ҳайкалтарош Софриникс ва доя Фенаретта оиласида дунёга келди. У жуда кўримсиз қиёфага эга бўлган. Паст бўйли, кенг ва дўнг пешонали, ялаоқ, танқайча буришининг тешиклари катта, Суқротнинг кўзлари кишига зиддан боқиб қиёғи моил эди. У доим эски либосларда, ялангоёқ юрган.



Аёллар борасида ҳам Суқротнинг омади юришмаган. Гарчи икки марта уйланган бўлса-да, оилавий бахтга эришолмаган. Суқрот асосий вақтини мунозара ва баҳсларда ўтказган. Баҳсларда доим унинг қўли банд келган. Шунинг учун кўпинча унинг соқидан тортиб калтаклашган, устидан қилиб, ҳақоратлашган. Суқрот ҳаммасига доно фикрларини қозоғига тўширмайсиз? — деб сўраганда, Суқрот: «Эй Тимей, ўлик ҳайвонларнинг терисига ишонинг ва тирик, барҳаёт фикрларга ишончсизлигинг жуда мустаҳкам экан», — деб жавоб берган.

399 йил Суқрот бир юртдошининг фитнеси тўғрисида фуқаролик мезъёлларини бузганида айбланган, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл этилган. Судда Суқротнинг оғзидан чиққан сўнги сўзлар шундай бўлган: «Менга ўлиш учун, сизга эса яшаш учун бу ерни тарк этиш фурсати етди. Фақат бунинг қай бири афзаллиги Худодан ўзга ҳеч қачон эмас». Судда 220 нафар одам Суқротнинг айбсизлигини ёқлаб, 280 нафар киши эса унга қарши овоз берган.

Уша даврдаги қоидага кўра, Суқротнинг жисмининг саломатлиги учун фойдали деб билган. У таласаларга оғзаки сабоқ берган ва ҳеч қандай ёзма маъно қолдирмаган. Тимей исми шогирди: «Эй устоз, нима сабабдан доно фикрларингизни қозоғига тўширмайсиз?» — деб сўраганда, Суқрот: «Эй Тимей, ўлик ҳайвонларнинг терисига ишонинг ва тирик, барҳаёт фикрларга ишончсизлигинг жуда мустаҳкам экан», — деб жавоб берган.

399 йил Суқрот бир юртдошининг фитнеси тўғрисида фуқаролик мезъёлларини бузганида айбланган, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл этилган. Судда Суқротнинг оғзидан чиққан сўнги сўзлар шундай бўлган: «Менга ўлиш учун, сизга эса яшаш учун бу ерни тарк этиш фурсати етди. Фақат бунинг қай бири афзаллиги Худодан ўзга ҳеч қачон эмас». Судда 220 нафар одам Суқротнинг айбсизлигини ёқлаб, 280 нафар киши эса унга қарши овоз берган.

Уша даврдаги қоидага кўра, Суқротнинг жисмининг саломатлиги учун фойдали деб билган.

Саида ЖўРАЕВА тайёрлади

Разиллик Шафқат қуёши сўнса...



Август — пахтани сўғориш мавсуми. Шунинг учун наридан бери ношуша қилиб, далага отланди. Шериклари Фарход ва Инонжон ақалар эгларга мис таратмоқда эди. Уч нафар мис таратмоқдаги пахта даласини қўзланган мuddатдан олдинроқ сўғориб бўлган. Сўн дала четда саф торзан текарқан соясиди бироз дам олишга ўпиришди. Гурлғ авжи қизган пайти, узокдан икки кишининг қораси кўринди:

— Анови келётган Дилшодми? — сўради Ином ака. Шу боланинг ҳеч тайинли иши йўқми дейман. Қачон қарасанг, бемақсад кўчада санжиб юради.

— Яна ўтганинг уроғига, кетганинг кетмонига тегинган ортиқча, — деди Фарход ҳам унинг фикрини қувватлаб.

Ўзбекистон шерикларининг гапини сиртида маъқуллама-са-да, яқинлашиб қолган Дилшодни кўриб, қайғиёти бузилди. Эсига бундан 2-3

кун олдин ҳамқишлоқлари Зариф ақанинг тўйида бўлиб ўтган нохуш воқеа тушди. Унда Дилшод ўзидан анча ёш катта амакиваччалари билан атайлаб Ўзбекистоннинг гашига тегиб, жанжал чикармоқчи бўлган эди. Ўзбекистон эса бирининг тўйи бузилмас деб, уларни муросага чикарди.

— Сен бунга ақл ўргатмоқчимисан ёки қўрқаясанми? — дағдага қилди Дилшоднинг амакиваччаси Жасур. — Зўр бўлсанг юр ташкарига.

Ўзбекистон маст кишилар билан тортишни ўтиришни ўзига эп кўрмай, «кейин гап-лашамиз» дея тўйхондан чиқиб кетди...

Ўзбекистон шуларни эслаб, «хозир яна бир балони бошлайдим», деди ўзига. Дилшод билан Ақмал ўтирганлар билан бирма-бир кўл беришиб қўришди. Навбат Ўзбекистонга келганда, «Ха, зўр. Қаласинг энди», деди унинг елкасидан

тўртиб. Кейин ёнидаги ўртоғига маъноли қараб олган, «Хозиргина сен тўғрисида гап-лашиб келётган эдик» деди масхарому қилиб. Унинг гапига Ақмал ҳикирчилиги, «Энди барчасига ҳек қўйма-сам бўлмайди» дегандек шахд билан уридан турган Ўзбекистон Дилшоднинг қўлини силтаб ташлади.

— Индамаган сари хаддиндан ошма.

— Индаганда нима қилардинг, — деди Дилшод баттар унинг жигига тегиб, — Урасанми?

— Қани юр. Сен билан гап-лашиб олайлик. — Ўзбекистон четроққа йўл бошлади. Ўтирганлар бир-бирларига саволмуз тикилиб, бир оғиз сўз айтмасдан, уларнинг ортидан қараб қолдишди. Ўзбекистон билан Дилшод 10-15 метр юришган тўхтаб, нима ҳақадир қўзиган бахшаша бошлади. Уларни кузатиб турганлар ўрниларидан туриб, яна ўз ишларига машғул бўлишди. Навбатдаги сўғорилиши керак бўлган эгларнинг ярмига ҳам сув таралмай туриб, Фарход қўлидаги кетмонни ташлади.

— Ином ака, ановиларни қаранг, — бир-бирларини ўлдириб қўйишди. Тезроқ борайлик.

Иккаласи ҳам барабар улар томонга қараб югура кетишди. Етиб келишганларидан Ўзбекистоннинг кийим-ларини йиртилиб кетган, ўзи эса ер билан битта бўлиб, қонга беланиб ётар, Дилшод эса унинг дуч келган жойига аёвсиз тепарди. Уларни бири-бирдан ажратувчиларча, нариги далада ишлаётган Ўзбекистоннинг ораси билан аммаси ҳам дод солганларича етиб келишди. Улар йўли-сиги билан Ўзбекистоннинг тинмай қон оқаётган

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Беш Прокуратураси бошқармаси катта прокурори, Фарида ҚОРАҚУЛОВА, «Инсон ва қонун» муҳбири

ИНСОН ва ҚОНУН		Бош муҳаррир:		ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ		Навбатчи:		Индекс: 646882		МАНОЗАЛИМИЗ:	
МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ		2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган		Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович Махмудов Лазизжон Мирзаевич Мустафаев Бўришот Мустафаевич		Ражабова Мавжуда Абдуллаевна Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич Ҳамроев Исом Ҳамроевич		Шукур СОДИКОВ Саҳифаловчи- дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ		100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-84-50, Факс: 133-95-31 2 3 4 5	